

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 13-aprel, payshanba

№ 16 (9232)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

➤ Президент ташрифидан сўнг...

ЁШЛАРИМИЗ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРДА ҲАМ ФАОЛ

Бугун ахборот технологиялари татбиқ қилинаётган соҳа борки ривожланиб бормоқда. Шундай экан келажакни бусиз, шу йўналишдаги мутахассисларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жаҳонда ахборот технологиялари бўйича ўзига хос бозор шаклланиб бўлди. Бу бозор кенгайиб бормоқда. Ундан мустаҳкам ўрин эгаллаш эса долзарб масалага айланиб бораверади. Шу жиҳат инноватта олинб юртимизда катта ислохотлар бошланган. Хусусан, сўнгги олти йилда соҳага катта миқдорда инвестиция йўналтирилди. Бу борадаги ишлар эса давом этаётгани қувонарли.

Шахсан Президент ташаббуси билан барча ҳудудларда IT-парклар ташкил этилди. Бунинг натижасида 14 минг нафардан ортқ йигит-қиз юқори даромадли ишга эга бўлди. Ахборот технологиялари бўйича билимга эга бўлиб, ўзини ўзи банд қилаётган мутахассислар бир неча ўн мингтани ташкил этаётгани муболаға эмас.

31 март. Урганч шаҳри. Президент Шавкат Мирзиёев Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркнинг Хоразм вилояти филиалида. Давлатимиз раҳбари шу ерда ёшларнинг фикрларини эринмасдан эшитди. Самарани ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Муҳаммад ал-Хоразмийдек буюк ин-

сонлар авлоди бўлган ёшларимиз ахборот технологиялари соҳасида ҳам юқори натижаларга эришиши, бунинг учун барча имкониятлар етарлиги таъкидланди. Урганчдаги ушбу IT-парк дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилган йирик мажмуа саналади. Бу лойиҳа учун 15 миллиард 500 миллион сўм маблағ йўналтирилган. Натижада йилига 4 минг 500 нафар ёш ахборот технологиялари йўналишида ўқитиш ва IT хизматлар кўрсатиш қувватига эга ушбу замонавий марказ бунёд этилди.

Бугун бошқа ҳудудларда ҳам мана шундай IT-парклар очилиб, самарали фаолият юритмоқда. Бу орқали қўллаб ёшлар юқори даромадли иш билан таъминланди.

– Бу ерда 250 нафар хоразмлик ёш доимий иш билан таъминланган, – дейди Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазир Шерзод Шерматов. – Бундан ташқари минглаб ёшларни соҳа бўйича ўқишга тайёрлаш имкони яратилди. Давлатимиз раҳбари Юқори Чирчиқ туманидаги "Astrum" IT академияси каби таълим марказларини ҳамма ҳудудларда

ташкил этиш вазифасини қўйган эди. Ана шу шароит бу ерда яратилган. Ҳозир бу ерда қатор самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, хоразмлик қизларни IT соҳасига қизиқтириш бўйича ҳам ташаббус қўллаб-қувватланган. Биласиз, ахборот технологиялари соҳасида хизматлар масофадан ҳам кўрсатилади. Бу мутахассисликни эгаллаган аёлларимизга уйдан чиқмасдан яхши даромад топиш имконини беради.

Таъкидланганидек, бу ерда ўқув машғулотларини ташкил этиш ҳамда IT хизматларини экспорт қилиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Мақсадлар ҳам шунга яраша, жорий йилда экспорт ҳажмини 3 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

– Президент шу ернинг ўзида IT-парк резидентлари, ахборот технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган ёшлар билан мулоқот қилди, – дейди Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркнинг Хоразм вилояти филиали раҳбари Умидбек Жуманиёзов. – Улар учрашувдан сўнг ўзларининг фаолиятида янги босқич бошланишини, ўзига хос руҳ олганини айтишди. Ҳозир

вилоятимизда тарқоқ юрган дастурчилар бир жойга жамланди. Бунинг натижасида IT-парк резидентлари уч барабарга, яратилган иш ўринлари тўрт барабарга ошди. Кучли мутахассислар бир жойда иш олиб борса натижа шунга ҳамоҳанг юқори бўлади. Бу ерда улар бир-бирларидан керак бўлса тажриба орттиришади.

"DATA" ўқув маркази – IT-парк резидентларидан бири. Мазкур инновацион ўқув маркази 2019 йилда фаолият бошлаган бўлиб, бу ерда ёшларга IT соҳаси бўйича қатор йўналишларда сабоқ берилади. Хусусан, робототехника, веб-дастурлаш, 3D анимация, архитектура ва дизайн, кибер-хавфсизлик каби йўналишларда мутахассислар тайёрланади.

Хоразмда бу каби лойиҳалар қўллаб-қувватланаётгани эса соҳа истиқболда жуда муҳим. Ахборот технологиялари йўналишида билимга эга бўлган ёшларни иш билан таъминлаш, IT марказлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бериб бошлагани қувонарли.

Икром АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Нобоева Бухоро вилоятида бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлар билан учрашди.

Хусусан, Бухоро шаҳридаги "Малика Султон" зардўзлик ҳамда хунармандчилик маркази фаолияти билан танишди.

Уста зардўз Махфуза Салимова томонидан ташкил этилган зардўзлик марказида айна пайтда 120 нафар уста зардўзлар устоз-шогирд анъанаси асосида ишламоқда.

Марказий Осиёда ягона саналган ушбу ўзига хос зардўзлик мажмуасида тайёрланаётган маҳсулотлар маҳаллий бозорларимизга етказиб бериш билан бир қаторда хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Мулоқот чоғида Т.Нобоева давлат раҳбари ташаббуси билан хотин-қизлар тадбиркорлиги қўллаб-қувватланаётгани, янги тахрирдаги Конституцияга ёшлар, хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш борасида янги нормалар киритилганлигини таъкидлади.

"Тадбиркор аёллар клуби" аъзолари билан учрашув ҳам самарали бўлди.

– Бугунги кунда клуб аъзолари республика бўйича 86 нафарни ташкил этади, – дейди клуб раҳбари Мамлакат Содикова. – Улар томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш, хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Озарбайжон, Қирғизистон, Қозғистон давлатларида ўтказилган бизнес-форумларда иштирок этиб 136 та халқаро олди-сотди шартномалари имзоланган. Учрашув доирасида клубнинг бир йиллик фаолияти таҳлил қилинди.

Сенат раиси Вобкент туманидаги "Ширин" қишлоғи қадимги Зарафшон дарёси ўзанида жойлашган бўлиб, тахминан 1500 йиллик тарихга эга. Қишлоқ аҳолиси азалдан деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо-сотиқ билан шугулланган. Ширин қишлоғида бир қатор маданий мерос объектлари ва миллий урф-одатлар ҳозирги кунга қадар сақланмоқда.

Қишлоқда полиз экинлари етиштириш, қуруқ мевалар, миллий ширинликлар, хунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мерос саналади. Мазкур қишлоқда туризмни ривожлантириш ҳамда сайёҳлар учун маҳаллий аҳоли ҳаёти ва урф-одатлари, миллий хунармандчилик намуналарини намойиш этиш мақсадида туризм кластери ташкил этилаётди.

Т.Нобоева маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Хусусан, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи, этник таркиби, қишлоқда барпо этилаётган меҳмон уйлари, уларга ташриф буюрувчилар учун кўрсатиладиган хизматлар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Сенат раиси Танзила Нобоеванинг Бухоро вилоятига ташрифи ниҳоясига етди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎЗА мухбири.

➤ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Ҳамон барҳаёт

Яқинда интернет сайтларидан бирида бир журналист газета, журналлар мажбурий тарзда одамларга обун қилдирилаяпти, дея ёзғирбди.

Газета, журналларнинг доимий мухлиси бўлганим учун мақолани диққат билан ўқиб бошладим. Даврий нашрлар ўрнини интернет нашрлари эгаллаб бориши керак каби жумлаларни ўқидим ва муаллифнинг саёз фикридан таажжубландим. Сабаби, у ижодкор сифатида ижод аҳлининг қадрини, нина билан қудуқ қазийдек машаққатли меҳнати қай даражада қийин эканини билиш лозим эди. Газета, журналларда ишловчи ижодкорлар кўп йиллардан бери одамларнинг ҳаётини ўрганиб, ўзгалар дардига шерик бўлиб, ўз мушоҳадаларидан келиб чиққанларини қозоғга туширади. Уларнинг мушоҳадаларидан келиб чиққанларини қозоғга туширади. Уларнинг мушоҳадаларидан эса ибратли ҳикоялар, баҳс-мунозаралар чорловчи мақолалар ёзилди ва ўқувчиларга, газетхонларга етказиб берилади. Газетачиларни танқид қилаётган эса яқин кунлардагина виртуал олам орқали ўз мухлисларига эга бўлгандир? Лекин у неча йиллардан буён чоп этилаётган нашрлардан ўрганганларини энди интернет орқали етказиб бормоқда. Яна тап тортмасдан техника даври ривожланаётган вақтда газета, журналларга ҳожат йўқ, ўқувчилар ўзига кераклисини интернет орқали олаверади, деган фикрни ёзаяпти. Ёшлар тарбияни асосан оиладан, катталардан ўрга-

нишади. Бугун ёши қирқдан ошган, мутлоаага қизикқан одамларнинг йигирма, ўттиз фоизигина интернетдан фойдаланиши мумкин. Қолганлари эса босма нашрларга меҳр қўйишган. Улар ҳали газетага чанқоқ, ундан ўқиб, ўрганганларини фарзанди, невараларига етказмоқда. Газета, журналларга доимий обун бўлиб келаётган ашаддий мухлислар орасида қўллаб кекса газетхонларни танийман. Улар орасида газеталарни интиқлик билан кутадиганлари йўқ эмас, албатта. Улар газеталарни интернет сайтларида бериладиган турли ваҳимали хабарларни ўқиш учун эмас, балки кўнглиларини хушнуд этадиган ҳикоялар, шеърлар, суҳбатлар, фойдали маслаҳатлардан баҳраманд бўлиш учун олишади. Босма нашрларнинг ёшу қарига бирмунча қулай томонлари ҳам борки, буни ҳеч қандай интернет сайти беролмайди.

Мулоҳазам сўнгиде шуни айтмоқчиманки, маънавий озугага муҳтож инсонлар газета, журналларга мажбурий тарзда эмас жон диллари билан обун бўлишади. Зеро, матбуот маърифатга йўл бошларкан, у ҳеч қачон ўлмайди. Худди замонавий лифтилар пайдо бўлгани билан ҳали ҳанузгача оддий зиналарга ҳам эҳтижимиз бор бўлганидек....

Отабек ҚОБИЛОВ,
Чуст тумани Тинчлик маҳалласи ёшлар етакчиси.

➤ Ҳуқуқий саводхонлик

ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнат таққиланган ва фуқароларнинг эркин касб, иш тури, машғулот танлаши, иш жойини ўз хоҳишлари билан танлаш ҳуқуқлари Конституция билан кафолатланган.

Амалдаги меҳнат кодексига кўра ҳодим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддати меҳнат шартномасини ҳам икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Ҳодим томонидан бекор қилиниши чоғида иш эркин танлаш ҳуқуқини кафолатлаш, шунингдек, иш

берувчи манфаатларига риоя этилиши меҳнат муносабатларининг ажралмас қисмидир. Ҳодим ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғидаги икки ҳафталик огоҳлантириш муддати ариза тақдим этилган куннинг эртасидан бошланади ва узлуксиз давом этади. Агар муддатнинг тугаши дам олиш кунига тўғри келса, ундан кейин келадиган биринчи

иш куни муддатнинг охириги кунга ҳисобланади. Икки ҳафталик огоҳлантириш муддати меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра қисқартирилиши мумкин. Огоҳлантириш муддати тугагач, ҳодим ишни тўхтатиши, иш берувчи эса у билан ҳисоб-китоб қилиб, меҳнат дафтарчасини бериши лозим.

(Давоми 2-саҳифада)

“ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ” ДОИРАСИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

➤ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, Жиззах вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигидаги жами 34 та объект “Инвестиция дастури”га киритилди. “Инвестиция дастури”га киритилган объектларнинг 26 таси янгидан бошланувчи, 8 таси эса йилдан-йилга ўтувчи объектлар саналади. Унта умумтаълим мактаби, 5 та мактабгача таълим ташкилоти, 1 та соғлиқни сақлаш ва тиббиёт муассасаси, 2 та олий таълим муассасаси, 8 та қирғоқ бўйи ва ҳимоя иншоотларини қу-

риш объектлари шулар жумласидандир.

– Ҳозирда 26 та янгидан бошланувчи объектнинг 22 таси бўйича пудрат ташкилотини танлаш учун танлов эълон қилинган бўлса, 10 таси бўйича пудрат ташкилоти аниқланган, – дейди Жиззах вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК директори Ҳамид Ҳасанов. – Иккитаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт шартномаларини комплекс экспертиза қилиш марказининг ижобий экспертиза хулосасини олиш учун тақдим қилинган. “Ўзбекистон миллий университети Жиззах филиалининг 1000 ўринли ўқув биносини қуриш” ва “Жиззах политехника институтининг

1000 ўринли ўқув биносини қуриш” объектларига келса, мазкур объектлар манзилли дастури тегишли вазирликлар томонидан тасдиқланганлигига қарамадан ўз вақтида харажатлар сметасига пул маблағлари тушуриб берилади. Натижада лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича танлов ўтказиш эълони 65 кунга кечиктирилди. Сўнгра жорий йилнинг 6 март куни Шаффоф электрон тендер платформасига берилди. Ниҳоят 27 март куни лойиҳа ташкилотлари “Примтовергрупп” МЧЖ ҳамда “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” УҚлар лойиҳа-смета ҳужжатларини 15 кун муддатда ишлаб чиқиш шарти билан аниқланди. Ҳозирги кунда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Ориф ЖУМАНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Янгиланаётган Конституциямизда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда қонуний манфаатлари устувор этиб белгиланган

Bugungi kunda mamlakatimizda kechayotgan iqtisodiy islohotlar jarayonida zamonaviy hamda sifatli sug'urta xizmatlariga bo'lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Albatta, sug'urta kompaniyalarining samarali faoliyati, raqobatbardoshligi, bevosita uning kadrlar salohiyatiga bog'liq.



AGROSUG'URTA SOHASIDA KADRLAR SIYOSATINING ISTIQBOLLARI

Shu nuqtai nazardan, “O'zagosug'urta” AJ hamda Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti o'rtasida kadrlar tayyorlash yuzasidan o'zaro hamkorlik memorandumi imzolandi. Me'morandum doirasida tomonlar sug'urta ishi, xususan qishloq xo'jaligi tavakkalchiliklarini sug'urtalash, umumiy sug'urta tarmog'ining barcha yo'nalishlariga ixtisoslashgan mutaxassislarini tayyorlashga oid ustuvor vazifalarni aniq belgilab olishdi.

Shuningdek, “O'zagosug'urta” AJ tomonidan bugungi transformatsiya jarayonida sohaga yuqori

malakali kadrlarni jalb qilish, xodimlarning xalqaro andozalarga mos ravishda malakasini oshirish, tizimda faoliyat yuritayotgan o'rta va o'rta maxsus mutaxassislikka ega xodimlarni soha bo'yicha oliy ta'lim muassasalarida tavsiya asosida o'qitish, rahbar lavozimlariga kadrlar zaxirasini shakllantirish asosiy vazifalardan hisoblanadi.

Ta'kidlash joizki, milliy sug'urta bozorida yetakchi hisoblangan “O'zagosug'urta” AJning mamlakat bo'ylab 14 ta filiali hamda 187 ta sug'urta markazida jami 600 dan ortiq xodim, sal kam 1000 nafar

sug'urta agentlari faoliyat yuritmoqda. Xodimlarning 60 foizga yaqini oliy ma'lumotli, xususan 26 foizi moliya, iqtisod va sug'urta sohasi mutaxassislardir. Tizimda rahbarlik lavozimida faoliyat yuritayotganlarning 30 foizi yoshlar hisoblanadi.

Davlatimiz rahbarining “O'zbekiston Respublikasining sug'urta bozorini isloh qilish va uning jadal rivojlanishini ta'minlash choratadbirlari to'g'risida”gi qaroriga muvofiq kompaniya tizimida samarali faoliyat yuritayotgan o'rta va o'rta maxsus ma'lumotga ega bo'lgan istiqbolli yosh kadrlarni mamlakatdagi

oliy ta'lim muassasalarining “Sug'urta ishi” ta'lim yo'nalishida o'qitish maqsadida 2020-2021 o'quv yilida 27 nafar, 2021-2022 o'quv yilida Toshkent davlat iqtisodiyot universitetiga 14 nafar xodim kompaniya tavsiyasi bilan o'qishga qabul qilindi. Shuningdek, “O'zagosug'urta” AJ kadrlar siyosati strategiyasining asosiy yo'nalishlaridan yana biri sifatida tizimda “Ustoz – shogird” an'anasining yo'lga qo'yilganligidir. Bunda tizimdagi tajribali xodimlarga yosh mutaxassislarni birlashtirgan holda ularning amaliyot o'tashlarini tashkil etish nazarda tutilgan. Bundan

tashqari, kompaniyaning malakali, yosh, bilimli va istiqbolli kadrlarni jalb qilish maqsadida yurtimizdagi oliy ta'lim muassasalarining moliya, bank, iqtisodiyot yo'nalishlaridagi bitiruvchilarining malakaviy ishi himoyasida hamda “Karyera kunlari”da muntazam ishtirok etib kelinayotganligi alohida e'tirofga molik.

Qisqa qilib aytganda, kadrlar siyosatida belgilangan ustuvor vazifalarni amalga oshirish orqali bugungi kunda shiddat bilan rivojlanib borayotgan bozor iqtisodiyoti va sug'urta bozori sharoitida sohani salohiyatli kadrlar bilan ta'minlash, ularni moddiy va ijtimoiy qo'llab-quvvatlash hamda tizimda ish samaradorligini yanada oshirish “O'zagosug'urta” AJ jamoasining asosiy maqsadidir.

Shuhrat QOBILOV,
“O'zagosug'urta” AJ
matbuot kotibi.

МДХ БОШ КОТИБИ СЕРГЕЙ ЛЕБЕДЕВ БИЛАН УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдумига қизғин ҳозирлик кўрилоқда. Мазкур жараёнларни кузатиш мақсадида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари юртимизга ташриф буюрмоқда.

Хусусан, Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кузатиб бориш мақсадида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Бош котиби Сергей Лебедев бошчилигидаги МДХ кузатувчилари миссияси мамлакатимизга ташриф буюрди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низомхўжаев референдумни кузатиш бўйича МДХ кузатувчилари миссияси раҳбари Сергей Лебедев билан учрашди.

Учрашувда Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси асосида такомиллаштирилгани, 30 апрель куни ўтказиладиган референдумга тайёргарлик кўриш жараёнлари хусусида батафсил маълумот берилди. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қонунчилик талаблари ва демократик принципларга мувофиқ амалга оширилаётгани қайд этилди.

МДХ кузатувчилари миссияси раҳбари Сергей Лебедев Марказий сайлов комиссиясининг таклифидан мамнунлигини эътироф этиб, мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар ҳамда Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича ўз муносабатини билдирди. Шунингдек, референдум жараёнларини кузатиш бўйича МДХ кузатувчилари миссияси аъзолари таркиби, кузатувчиларнинг мамлакатимизда фаолият олиб бориш тартиби бўйича маълумотлар бериб ўтди.

Таъкидланишича, миссия таркиби МДХга аъзо давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва сайлов органлари, шунингдек, МДХ ҳудудиди



фаолият юритувчи Ҳамдўстлик органлари ва интеграция бирлашмалари вакиллари билан иборат. МДХ кузатувчилари миссияси томонидан референдум миллий қонунчилигимиз ва давлатимизнинг халқаро мажбуриятларига мувофиқлиги бўйича баёнот тайёрланади.

МДХ кузатувчилари миссияси Ўзбекистонга ташрифи мобайнида республикамизнинг бир қатор референдум ушбу қадрида бўлиб, референдум юзасидан ўзининг тегишли хулосалари ва тавсияларини беришни режалаштирган.

Учрашув доирасида миссия раҳбари Марказий сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот маркази фаолияти, бу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ишга туширилган “Call-markaz” фаолияти билан ҳам танишди.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
ЎЗА муҳбири.

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ – БУГУННИНГ ЭҲТИЁЖИ

Миллий матбуот марказида “Ўзсаноатқурилишбанк тизимида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун таклиф этилаётган “яшил” кредитлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда банк раҳбарияти, тегишли таркибий бўлинмалар масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида табиий ресурсларни тежаш ва иқтисодиёт тармоқларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кучайтиришга қаратилган кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Президентимиз томонидан шу йил 16 февралда қабул қилинган “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор асосида бу борадаги ишлар янада фаол тус олди.

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан муассаса биноларида қуёш панеллари қурилмаларини ўрнатиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун жорий қилинган “яшил” кредитлар тарғиботи кучайтирилмоқда, ушбу йўналишдаги ресурсларни шакллантириш чоралари қўрилмоқда.

– Ҳар бир жабҳадаги ўсиш, ривожла-

ниш электр энергиясига бўлган талабни оширмоқда, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари Фаррух Абдурахмонов. – Бу эса, тежамкор воситалар ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу борада банкимиз томонидан ҳам кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

Банк тизимида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун “Corporate Green Loan”, “SME Green Loan”, “Green Consumer Loan”, “Green Product”, “Green Product - Online” каби кредит турлари жорий қилинган. Уларнинг мижозлар учун афзаллик томонлари, хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги жамоатчилик ўртасида мунтазам тарғиб қилинмоқда.

– “Яшил” лойиҳалар, “яшил” технологиялар ҳамда “яшил” кредитлар бир-бири билан чамбарчас тушунча, моҳиятан



саноатлаштиришни йўқотишларсиз амалга ошириш, “яшил” иқтисодиётни барпо этишга қаратилган, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ “Green banking” бошқармаси бошлиғи Бобур Султонмуродов. – Бизнинг ушбу йўналишдаги саяё-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаётган хорижий молия институтлари талайгина. Улар кўмағида бир неча ўнлаб лойиҳаларни молиялаштирдик. Айни пайтда яна қўшимча линияларни жалб қилиш, қуёш панеллари ишлаб чиқаришда хорижий инвесторлар ва маҳаллий ташаббу-

сдорларга яқиндан ёрдам бериш бўйича қизғин ишлар олиб бораёямиз.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари “яшил” кредитлар шартлари, “яшил” лойиҳаларни амалга ошириш босқичлари, хорижий ҳамкорлар ҳақида маълумот берилди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган “яшил” технологиялар самараси корхоналар фаолияти мисолида келтириб ўтилди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ахборот хизмати.

Янгиланаётган Конституция

ЯШАШ ҲУҚУҚИ – ОЛИЙ ҲУҚУҚ

Бугунги кунда мамлакатимизда катта сиёсий жараён қизғин паллага кириб бормоқда. Янгиланаётган Конституциямизда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳамда қонуний манфаатлари устувор этиб белгиланган.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалий жиҳатдан юқори даражада ҳимоя қилиш ва таъминлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шундай ҳуқуқлардан энг муҳими “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг 25-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, дейилган.

Дарҳақиқат, муҳим норма. Сабаби, ҳуқуқ тизимида жиноят учун жазонинг оғир ёки енгиллиги эмас, унинг муқаррарлиги муҳим саналади. Қолаверса, ўлим жазоси маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Бу жазо инсонни ахлоқан тўзатмайди. Жиноий жазо – жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, уни жамият учун хавфли ҳаракатлар содир этишдан тийиш, кейинги ҳаётини фойдали томонга буриш воситаси. Маҳкум жазони ўташ пайтида озодлик ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етати, керакли хулоса чиқаради.

Фикримизча, ўлим жазо-си жазо тури сифатида ўзини ҳеч қачон оқлаган эмас. Дунё таърибасида ўлим жазосини қўллашнинг жиноятчиликни камайтиришга умуман боғлиқ эмаслиги аллақачон исботланган. Аксинча, уни тайинлашда йўл қўйилган хатолар орқали кўплаб бегуноҳ инсонлар ҳаётдан эрта суғуриб ташланган. Собиқ шўролар тузумидаги қатағон йилларида ноҳақ ўлим жазосига ҳукм қилиниб, қанча боболаримиз маъҳ қилинди. Афсуски, ўлим жазосининг адолатсизлиги аниқланса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. У кейинчалик тузатиб бўлмайдиган жазо тури сифатида ҳам хавфли ва адолатсиздир.

Қисқа қилиб айтганда, янги таърибдаги Конституциямизда ўлим жазосининг тақиқланиши мамлакатимизда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва яшаш ҳуқуқи дахлсиз эканлиги яна бир бор ўз исботини топди. Асосий қонуниimizда инсоннинг яшаш ҳуқуқи юксак даражада ҳимоя қилинаётганлиги ва олий қадрият эканлиги ўз ифодасини топган. Шу маънода халқимиз референдумда маъқуллаб, ўз муносабатини билдиришади.

Сардор СОДИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Миробод тумани
судси раиси.

“YOSH QUTQARUVCHILAR” O'RTASIDA MUSOBAQA O'TKAZILDI


Toshkent tumanida “Yosh qutqaruvchilar” ko'ngillilar klubi musobaqasining tuman bosqichi bo'lib o'tdi.

Toshkent tumani Favqulodda vaziyatlar bo'limi va tuman Xalq ta'limi bo'limi hamkorligida o'tkazilgan musobaqada ta'lim muassasalarida tashkil qilingan “Yosh qutqaruvchilar” klubi a'zolari ishtirok etdilar.

Qizg'in bellashuv va ko'tarinki kayfiyatda o'tgan musobaqada 1-o'rinni 18-umumta'lim maktabining “Jaloliddin Manguberdil”, 2-o'rinni 7-umumta'lim maktabining “Qalqon” va 3-o'rinni

26-umumta'lim maktabining “Lochin” jamoalari qo'lga kiritdi. Yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish hamda ular o'rtasida sportni rivojlantirish va Vatanga bo'lgan sadoqatni kuchaytirish maqsadida o'tkazilgan bellashuv g'oliblari diplom va qimmatbaho esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

Bahodir IRSIMBETOV,
Toshkent tumani FVB P va NB inspektori, serjant.



ЯНГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ҚАНДАЙ КЕЧАДИ?

(Боши 1-саҳифада)

Унутмаслик кераки, огоҳлантириш муддати тугагач, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилмаса ва ходим ишни тўхтатган бўлса, низо судда кўрилиши ва ходим мажбуран ишламай юрган вақти учун иш берувчидан ўртача иш ҳақи ундирилиши мумкин. Қолаверса, огоҳлантириш муддати тугагач, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилинганида, башарти, меҳнат шартномасида бевосита кўрсатиб қўйилган бўлса, у иш берувчига белгиланган жарама (қўшимча тўлов)ни тўлашга мажбур бўлади, дейилган. Янги меҳнат кодексида эса огоҳлантириш муддатларидаги ўзгаришларни кўриш мумкин. Яъни ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек, муддати тугагачи қадар муддатли меҳнат шартномасини 14 календарь кун олдин бу ҳақда иш берувчини ёзма шаклда огоҳлантирган ҳолда бекор қилишга ҳақли. Шунингдек, ташкилот раҳбари ўз ташаббусига кўра номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини, шунингдек, муддати тугагачи олдин муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда иш берувчини икки ой олдин ёзма шаклда огоҳлантириши керак.

Агар ходим яқка тартибдаги тадбиркор билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу тадбиркорни етти календарь кун олдин ёзма шаклда огоҳлантирган ҳолда ўз ташаббусига кўра бекор қилишга ҳақли. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган огоҳлантириш муддати ходим ва яқка тартибдаги тадбиркорнинг келишувига кўра қисқартирилиши мумкин.

Мамона ШОДИЕВА,
Тошкент юридик техникуми ўқитувчиси.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Бу галги киши қаттиқ келди. Наинки парранда ва даррандалар, одамлар ҳам қаҳратоннинг қаҳрини яхшигина хис этишди. Мана, совуқ кунлар нари кетиб, қуёш харорати яна танимизни яйрата бошлади. Хўш, мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг муҳим йўналишларидан бири бўлган чорвачиликда қорли-қировли кунлар қандай ўтди? Чўпон-чўлиқлар, чорвадорлар етти хазинанинг бири ҳисобланган катта ва майда туёқли чорва молларини қишдан беталафот олиб чиқишдими? Биз ана шу мавзунини яқиндан ёритиш учун Самарқанд вилоятининг асосан чорвадор ҳудудларидан бири бўлган Нуробод туманига йўл олдик.

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРГА ҲАМ КИРИБ БОРМОҚДА

Борар манзилимиз – Нуробод туманидаги “Нурли эл-чорвадори” масъулияти чекланган жамияти маркази Жарқудуқ қишлоғида жойлашган бўлиб, у ерга Каттакўрғон шаҳри орқали бориш ўнгайроқ. Шаҳардан чиқаверишда, Каттакўрғон туманининг Янги ҳаёт массиви ҳудудида хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона қурилиши жадаллик билан давом этмоқда экан. Умумий қиймати 340 миллион АҚШ долларига тенг цемент заводи қурилиб, ишга туширилгач, йилгига 3 миллион тонна юқори маркали цемент ишлаб чиқарилади, маҳсулотнинг бир қисми экспортга йўналтирилади. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишларига маҳаллий аҳоли жалб қилинган бўлиб, ушбу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, 1500 та янги ишчи ўрни яратилади. Зарафшон тоғ тизмасининг давоми бўлган Қоратепа тоғларининг ён бағирларида қурилишбоп қоялардан иборат катта захира мавжуд бўлиб, уларни цемент заводида ташиш учун Жарқудуқ қишлоғига қираверишда ўнг томонда ястаниб ётган қир-адирлиқлар орқали ўн километрдан зиёдроқ масофада инвесторлар томонидан йўл-қурилиш ишлари олиб борилаётган экан. Ййдоқ қирлардан тош ташиб келаётган улкан юк машиналари қатнови тинмайди, грейдер ва бошқа техникалар йўл созлашга сафарбар этилган. Ана шу йўл қўриб келтакзилгунга қадар муддатда қўшма корхона ҳам ишга тушади.

ҚОРАКЎЛ ТЕРИЛАРИ БИЛАН ЖАҲОН БОЗОРИГА ТАНИЛГАН ТУМАН

Нуробод ҳудуд жиҳатидан Самарқанд вилоятида энг катта туман ҳисобланади. Асосан қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашган бу ҳудуд лалмикор текислиқлар, тоғ тизмалари, қир-адирлиқлардан иборат. Шу билан бирга, туман ҳудудининг ажойиб географик жойлашуви натижасида тиббиёт, эко ва зиёрат туризми учун қулай муҳит ва шарт-шароитлар мавжуд. Президентимизнинг 2022 йил 26 апрелдаги “Ўшшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича чорвачилик соҳасида бир қатор кластер корхоналарига, наслчилик йўналишидаги фермер ҳўжалиқларига четдан келтириладиган насли қорамол, қўй ва эчкилар учун имтиёз берилди. Буларнинг ҳаммаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутган чорвачилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, соҳада илгор технологияларни кенг қўллаш орқали гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни кўзда тутди. Нуробод азалдан харидоргир, экспортбоп қоракўл терилари билан жаҳон бозорига танилган. Бу ерда жуда кўп донгдор чўпонлар сулоласи бўлиб, бугунги кунда уларнинг авлодлари сулола аънааналарини давом эттириб келмоқдалар. Тумандаги 300 минг гектардан ортиқроқ яйловларда турли мулкчилик қўринишидаги ҳўжалиқларнинг 600 минг бўдинан зиёд қўй-қўзилари мавжуд. Иккита кластер корхонаси ва юзга яқин фермер ҳўжалиқларида 150 мингга яқин қоракўл зотли қўйларни парваришланади. Уларнинг 7 таси қоракўлчилик йўналишидаги наслчилик ҳўжалиқлари ҳисобланади.

ЧОРВАЧИЛИККА БЕРИЛГАН ИМТИЁЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Халқимизда “Дехқончилик бир йилда, чорва қирқ йилда тикланади”, деган нақл бор. Тан олиш керак, ўтган 30 йил давомида кескинлашиб бораётган иқлим ўзгариши шароитида яйловларга эътибор берилмади. Экологик вазият кескинлашиши оқибатида қурғоқчилик даражаси ортиди, тупроқ эрозиясининг кучайиши ва чанг-бўронларнинг ҳосил бўлиши жадаллашди. Яйловлардан фойдаланиш жараёнида уларнинг ҳўжалик имкониятлари мутлақо ҳисобга олинмади, яйловлардан алмашлаб фойдаланишнинг илмий асосланган тартиб-қоидалари ва нормаларига амал қилинмади. Чорва фермалари пароканда бўлди, чорва моллари насли бузилди, туёқ сони кескин камайиб кетди. Баъзи чорвачилик ҳўжалиги раҳбарлари ажратилган ердан мақ-



ОТАР ОМОН БЎЛСА, ЧЎПОН ТЎЙ БОШЛАЙДИ

Юртимизда 21 миллион гектардан зиёд яйловлар мавжуд бўлиб, улардан фойдаланишга оид ҳозирги тартиб яйловларда тадбиркорлиқни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни чекламоқда. Шу боис, Президентимиз яқинда бўлиб ўтган ййғилишда янги таҳрирдаги “Яйловлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, яйловларни муҳофаза қилиш ва яйлов майдонларини ижарага бериш, улардан самарали фойдаланишга оид тақлифлар тақдимоти билан танишган эди. Бу қўллаб муаммоларни бартараф қилади, инвестициявий-иқтисодий лойиҳаларга йўл очади.

садли фойдаланмаганлиги сабабли озуқабоп маҳсулотлар етиштирилиши камайди, шунинг ҳисобига ем-хашак нархи ошиб кетди. Бу табиий-ки гўшт, гўшт маҳсулотлари нархининг ошишига олиб келди. Кўпгина давлатларда ривожланганлик даражаси дон маҳсулотлари миқдорининг киши бошига тўғри келиши билан ўлчанади. Бу кўрсаткич баъзи давлатларда киши бошига 500 кг., АҚШга ўхшаган ривожланган давлатларда 1,5 тоннагачани ташкил этади. Қанча кўп дон ишлаб чиқарилса, аҳоли таъминотидан ташқари, чорва молларига озуқа манбаи шунча кўпаяди, боз устига, бу озуқа таннархи пасайиш, гўшт маҳсулотларининг таннархи арзонлашишига хизмат қилади.

Республикамиз умумий ер майдонининг 40 фоизидан кўпрогини ташкил этадиган яйловлар майдони йилдан-йилга қисқариб, табиий ўсимлиқлар қоплами камайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги 25-30 йил давомида республика яйловларининг 50-70 фоизи инқирозга учраган, 11 млн. гектар яйловларнинг қайта тикланувчи ем-хашак ҳосил қилиш потенциалли издан чиққан ва чорвачилик мақсадларида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келган. Соҳа ривожига тўққинлик қилаётган яна бир оғир муаммолардан бири – жойларда яйловлардан фойдаланиш тизимини тартибга соладиган ва назорат қиладиган мутахассислар штат бирлигидир. Шу билан бирга, яйловлардан фойдаланишда рухсат берилган нормаларга амал қилиш ва тизимни қатъий назорат қилиш учун яйловлар бошқарувининг қонуний ва ҳуқуқий-меъёрий асослари кучайтирилиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастур ҳақидаги қарори ҳам бежиз қабул қилинмади. Дастур чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

ЧЎПОН ТАЁГИ ЭГАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Энг қизиги, бизнинг қаҳрамонимиз – “Нурли эл-чорвадори” масъулияти чекланган жамиятининг “Оқхон” массивидаги отари ана шу улкан машиналар йўл солаётган маңзилда экан. Енгил машинада гоҳ ҳали битмаган йўлга чиқиб, гоҳ қир-адирлиқларни оралаб, минг машаққат билан бош чўпон Тойир Мансуровнинг отарига етиб бордик. Бу отар Нуробод ва Нарпай туманини ажратиб турувчи Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Қоратепа тоғ этагиди, кишин-ёзин табиий булоқ суви оқиб турадиган “Оқхон” мавзесида жойлашган. Тойир ақанинг айтишича, унинг катта бобоси Мансур оқсоқол Жарқудуқ қишлоғининг қай-вониларидан, оқпошшо даврида эл-улуснинг чорвасини боққан. Бобоси Элибой Мансуров шўро даврида шу касб орқасидан обрў-эътибор қозонди, отаси Бекмурод Мансуров ота касбинини давом эттириб, барака топди. Хукуматнинг бир қатор орден-медалларига сазовор бўлди, туман кенгаши депутатлигига сайланди. Ҳар юз бош совлиқдан 110-120 тагача қўзи олиб, давлатга топширгани учун ўша пайтларда жуда кам кишиларга насиб этадиган “Москвич” енгил машинаси билан тақдирланди. 1989 йилда эса кўп йиллик



самарали меҳнатлари учун унга дала-даштларда юриш учун жуда қулай бўлган “УАЗ-469” автомашинаси мукофотга берилди. Тойир Мансуров ҳали ҳам ана машинани миниб юради. Элибой бобонинг қолган фарзандлари – Шомурод, Пулат, Бурҳон, Қодирлар ҳам чўпонлик касбини танлади. Шуларни ҳисобга олганда, Тойир ака чўпонлар сулоласининг учинчи, ўғли Эркин Бекмуродов туртинчи авлоди ҳисобланади ва бош чўпон ёрдамчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

ЧЎПОН УЙИДА ЎТИРИБ, ДУНЁНИ КЎРАДИ

Чўпон ёзининг чилпаси-ю, қишининг изғиринли кунларида ҳам тинмайди. Мол-ҳолидан вақтида хабар олиб турмаса, кўнгли тинчимайди, юрагига қил сигмайди. Ундан кейин, ким чўпонлик касбини фақат таёқ кўтариб, қўйларни бошқариб юришдан иборат, деса адашади. Чўпон аввало, камида математик, психолог, қолаверса, гидрометеоролог бўлиши керак. Чунки у олдиндан ҳар қандай ноқулай об-ҳаво шароитларига тайёр туриши, шу билан бирга, қўй-қўзи, эчкиларнинг ҳисоб-китобини ҳам юрита билиши зарур. Қайси қўй қўзилади, қайси бири касалланди – ҳаммасини назорат қилиб, муаммони бартараф этиши лозим. Ҳозир илгариги даврлардагидай радиопрёмник мурватини бураб, кун бўйи қўй-қўзи ортидан юриб қўй-қўшиқ тинглайдиган чўпоннинг ўзи йўқ. Туманнинг ҳамма чўпон уйларида интернет, телевизор бўлгани каби “Оқхон” отарида ҳам бугунги кунда барча шарт-шароитлар мавжуд. Бош чўпон Тойир Мансуров уй ва отарини тоғга ўрнатилган қуёш батареяси орқали ёритади. Қолаверса, электр энергияси берадиган дивжоги бор, шуни ишга солади. Дунёнинг барча воқеаларидан хабардор, интернетдан бериладиган уш кунлик об-ҳавонини кузатиб, шунга қараб иш тутайди, доғда қолмасликка ҳаракат қилади.

ТОҒ ЁНБАҒРИДАГИ УЗУМЗОР

Тойир Мансуров отасидан 15 ёшида чўпон таёғини қабул қилиб олган бўлса, шунга ҳам 30 йилдан ошибди. 2018 йилда оиланинг бошига оғир мусибат тушди – Бекмурод бобо тўсатдан оламдан ўтиб қолди. Бошқарув юқини Тойир ўз елкасига олди. – 2005 йилда отам ва жамият мутахассислари билан биргаликда Зарафшон тоғ тизмаларининг давоми бўлган Қоратепа тоғ этагиди, “Оқхон” массивидан отар учун жой танлаганимиз, – дейди Тойир Мансуров. – Чунки бу ерда Худонинг кудрати билан кишин-ёзин оқиб турадиган табиий



булоқ бор. Хув қўшни отарлар жойлашган булоқ сувлари қуриб кетди, шунинг учун улар ҳам қўйларини сугоришга шу ерга олиб келишади. Бир ой ичида ака-укаларим Шавкат, Иноят билан бирга мана шу кўрани, чўпон уйларида қуриб битказдик. Отамнинг уругутлик Аъзамхон Бузруков деган эшон бува оғайниси бор эди. 2010 йилда 200 туп қора кишимиз, ҳусайни узум қўчатларини олиб келиб, хув кўриниб турган Қоратепа тоғ этаги нишаблигига экишди. У томонларга сув олиб чиқишнинг ўзи бир азов. Шунга қарамай, эшон бобонинг ҳурмати, бир бало қилиб сугориб, кўкартириб олдик. Уч йилдан кейин ҳосил бера бошлади. Ярим гектарча майдондаги тоқларни ҳар йили бир-икки марта сугорамиз, қишда кўмиб, баҳорда очамиз. Тўғриси, даромади мўмай бўлганидан кейин одамнинг қўзига қийинчилик ҳам кўринмай қолар экан. Энди тоқзор майдонини яна кенгайтиришни, тепаликка насос билан сув чиқаришни ният қилиб турибмиз. Бундан ташқари, хув тоғнинг тепасида аччиқ бодом, тоғолча, олмурут, дўлана каби ёввойи дарахтлар табиий равишда ўсади. Ўша ердаги 20 сотих майдонга таваккал қилиб аччиқ бодом экдик. Яхши тутиб кетди, ҳосил бера бошлади. Унинг қон босимини туширадиган шифобахш ҳусусияти бор экан, бундан хабар топганлар ўзлари келиб, сотиб олиб кетишяпти...

ЖАРҚУДУҚ ВИЛОЯТ ҚОРАКЎЛЧИЛИК МАРКАЗИ

– Нуробод Самарқанд вилоятининг чорвачиликка ихтисослашган туманларидан бири бўлгани учун ўтган йили Жарқудуқ қишлоғида ана шу мавзуга бағишланган семинар ўтказилган эди, – дейди меҳнат фахрийиси Тошннёз Раҳимов. – Семинар иштирокчилари бу ерда қоракўл терилари ва улардан тайёрланган бош қийимлар ҳамда пойабзал маҳсулотлари, “Нурли эл чорвадори” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Қайрағоч қудуқ” ҳўжалигида чорва қишлоғига тайёргарлиқнинг бориши, яратилаётган шарт-шароитларни кўздан кечирдилар. Ана шу анжуман доирасида Жарқудуқ қишлоғида Самарқанд вилояти “Қоракўлчилик маркази” очилди. Марказда хизмат қилувчилар учун шарт-шароитлар яратилди, ўқув хонаси, ветеринария дорихонаси, омихта ем омборлари, тикув ва жун хомашёси цехи, иссиқхона қурилди. Бу марказни ташкил этиш, жиҳозлаш ва ободонлаштириш ишлари учун қарийиб 500 миллион сўм маблаг сарфланди. Эндиликда бу ерда қоракўлчилик соҳаси мутахассислари ўз билим ва малакаларини ошириш имкониятига эга бўлишди. Илгари қоракўл қўйларни бўрдоқига боқишга ихтисослашган маҳсуус мажмуалар мавжуд эмас эди. Марказ томонидан қоракўл ва гўшт етиштириш, озуқа тайёрлаш цехлари фаолияти йўлга қўйилди, замонавий қушхоналар очил, терини ошлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехларини қуриш имкони пайдо бўлди.

ЖАРҚУДУҚ ОҚСОҚОЛЛАРИ ДАМ ОЛИШНИ ҲАМ БИЛАДИ

Нуробод туманидаги Жарқудуқ қишлоғи ҳамда “Нурли эл чорвадори” масъулияти чекланган жамияти фахрийлари Самарқанд шаҳрида бўлишиб, тарихий ёдрорлиқларини зиёрат қилишди. Янги барпо этилган “Буюк ипак йўли” халқаро туризм маркази, мажмуадаги замонавий меҳмонхоналар, Конгресс холл, амфитеатр ва бошқа қўллаб иншоотлар уларнинг қалбида завқ ва ҳайрат уйғотди. Оқсоқоллар “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида тасвирланган, қадимий Афросиёб деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳўқмдорининг Корея, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросимидан қаттиқ таъсирландилар. Халқаро туризм марказида ташкил этилган қадимий бозор, хунармандчилик устахоналарида ёғоч ўймакорлиги, қулпочилик, заргарлик, гилам тўкиш каби жараёнлар билан танишдилар. Бу ердаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари Янги Ўзбекистонни барпо қилиш йўлидаги ижобий саёй-ҳаракатлар сифатида оқсоқоллар томонидан юксак баҳоланди.

“ЎҒИЛЛАРИМ – ҚАНОТЛАРИМ”

– Нуробод туманида илгаридан йирик ва майда шохли мол боқиш асосий даромад манбаларидан бири бўлган, – дейди бош чўпон Тойир

Мансуров. – Бироқ кейинчалик чорвачилик эътибордан четда қолди, ҳамма ўз билганича иш тутди. Оқибатда катта-катта отарлар йўқ бўлди. Шароит ва имконият йўқлигидан чорва билан шугулланадиган аҳоли сони камайди. Кейинги олти йилда аҳвол яхшилана бошлади. Чорвачилиқнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида катта ва майда туёқли чорва моли сони яна кўпайди, янги-янги отарлар ташкил этилди. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, чорвадорларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича туманимизда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Фермер ҳўжалиқларининг озуқа базасини шакллантириш мақсадида уларга мол туёқ сонига қараб яйлов ажратиб берилган.

Отаримизда 500 дан зиёд қўй-эчкилар бор. Яшириб нима қиламиз, тирикчилигимиз шундан бўлганидан кейин сув келса симириб, тош келса кемириб иш кўрамиз. Яъни, йил қурғоқчилик келганида чорвани сақлаб қолиш мақсадида кескин чоралар кўришга мажбур бўламиз. Мана, узоққа бормайлик, 2018 йилда ёнгирчилик бўлмагани учун яйловлар қовжираб, ўсимлик ўсмай қолди. Оқибатда 700-750 бош қўй-қўзини Мирзачўл туманидаги яйловларга кўчиришга мажбур бўлдик. Икки йил аввал беш ой Пастдарғом туманида, ўтган йили уч ой Нарпай туманида қўй-қўзиларни боқиб келдик. Мавсум пайтида ёрдамчи кучларни жалб қилиб, қиш озуқаси учун қаррак, янтоқ, сомон каби дағал хашак гамлаймиз.

– Қаттиқ совуқларда чорва молларини беталафот қишдан олиб чиқишнинг ўзи бўлмагандир, – сўрайман бош чўпондан. – Нимасини айтасиз, жуда қийин бўлди. Биз одатда қишда Жарқудуқдаги ҳовлимизга кўчиб кетамиз. Отарда икки ўғлим – Эркин билан Музаффар қолади, кўнглим тўқ бўлади. Лекин бу йил оиламиз билан шу ерда қишлаб қолдик. Қўй-қўзилар шамоллаб қолмаслиги учун улар ётган қўтоннинг очиқ томонини бризент билан тўсиб, ем-хашакни ўз вақтида ортиғи билан бериб қўйдик. Икки ўғлим, ўзим кечаю-кундуз навбат билан алмашиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турдик. Худого шукур, ҳаммаси яхши ўтди, талафот бўлмади. Биз оилавий чўпонлик қиламиз, ўғилларим Эркин билан Музаффар менинг қанотларим. Отар омон бўлса, чўпон тўй бошлайди, деб шуни айтадилар-да!

“ҚИШЛОВНИ НАМУНАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШДИ, ОТАЛАРИГА РАҲМАТИ!”

– Бу йилги қишлоқ чўпонларимиз учун анча синовли давр бўлди. Биз ҳам тинмадик, улар ҳам тинмади, – дейди “Нурли эл чорвадори” масъулияти чекланган жамият раиси Тўлқин Раҳимов. – Шунинг учун ҳафтада бир марта чўпон-чўлиқлар ҳолидан хабар олиб турдик, муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилдик. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, об-ҳавонинг совуқ, аёзли кунлари чорвадорлар учун яна бир синов. Қишлоқни беталафот ўтказиш, чорвадорларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида ва сифатли бартараф этиш юзасидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлими ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда. Қорли-қировли кунларда чорвадорлар қийналиб қолмаслиги учун ҳўжаликда хашак майдаловчи дастохлар таъмирланиб, барчаси тахт ҳолга келтирилди. Бундан ташқари, чўпонларга иссиқ қийим ва озуқ-овқат захиралари, қўшимча равишда иккиламчи ёнлиги маҳсулотлари, ўтин-кўмир етказиб берилди. Уларнинг барчаси замонавий алоқа воситалари билан таъминланган.

Чўпонларга муносиб шароит яратиш, қўйларни белгиланган тартибда озиқлантириш, чўпон уйларида мунтазам электр энергияси, ёрдамчи жиҳозлар билан таъминлаш сингари вазифалар асосий диққат марказимизда бўлди. Чорвадорларимиз қишлоқ даврида белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиб, ишларни намунали ташкил этишди, оталарига раҳмат. Барча турдаги чорва моллари қишлоқдан беталафот олиб чиқилди. Эндиғи эътибор чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга қаратилган. Шу билан бирга, сифатли қоракўл тери етиштиришни кўпайтириш мақсадида қўйларни яйловларда алмашлаб боқиш тажрибасини оммалаштираялми. Буларнинг барчаси жаҳон бозорига сифатли қоракўл терилар етказиб бериб, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

ЯНГИ ҲАЁТ БОШЛАНАДИ

Биз мақоламиз бошида Каттакўрғон туманида хитойлик инвесторлар томонидан цемент ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қурилаётганини айтиб ўтган эдик. Ана шу корхона томонидан тоғ жинслари хомашёсини ташишга мўлжалланган йўл қурилиши Жарқудуқ қишлоғидан ўн чакримлик масофада жойлашган Тойир Мансуровнинг отаридан тахминан 500 метр наридан ўтади. Шу билан бирга, катта қуланмишдаги электр линияси ҳам тортилади. Демак, йўл қурилиши битгач, бу ерларда яшаш учун шарт-шароитлар пайдо бўлади. Ўз-ўзидан қўшма корхонада ишлайдиган одамлар, оилалар бу ерларга кўчиб кела бошлайди, уй қуради, шу ерда томир отади. Ишлаб чиқариш корхоналари пайдо бўлади. Тойир Мансуров эса отардаги қўй-қўзиларни кўпайтириш билан бирга тоғ ён бағридаги узумзор майдонларини кенгайтириб, яшил боғлар яратади. Олган даромадидан тўйлар қилади, органини эл-улусга таркатади. Хуллас, ҳадемай, асрлар давомида хувиллаб янган кимсасиз чўлларга, тоғ ён бағирларида ёнги нафас кириб келади, янги ҳаёт бошланади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ

